

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья А.Абдикаримов

Биринчи инстанция судининг
судьяси Г.Базарбаева

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И №1-23-1901/11**

2019 йил 2 июль

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг
судлов ҳайъати, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи - Қорақалпоғистон Республикаси жиноят
ишлари бўйича суди судьяси М.Байниязов

хайъат аъзолари - судьялар Т.Турдымуратов ва А.Абдикаримов,
К.Абдуллаеванинг котибалигида,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим ката
прокурори – А.Бисенова,

судланувчининг ҳимоячиси - адвокат Д.Давлетмуратова,

судланувчи - ██████████ иштирокида,

██████████ нисбатан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси
жиноят ишлари бўйича судининг 2019 йил 7 июндаги ҳукми устидан
судланувчи ██████████ томонидан берилган шикоятга асосан, ишни очик
суд мажлисида, апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукми билан:

██████████

██████████ Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг “в”, “ж”
бандлари билан 15 (ўн беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш
жазоси тайинланган.

Тайинланган жазони 2019 йил 9 февралдан бошлаб умумий
тартибли колонияда ўташи белгиланиб, эҳтиёт чораси аслича қамоқда
қолдирилган.

Жабрланувчи ██████████ судланувчи ██████████ содир этган
жинояти оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни

ундириш юзасидан фукаролик ишлари бўйича судида даъво кўзғатиш хукуқлари мавжудлиги тушунтирилган.

Суд ҳукмига кўра, [REDACTED] 2019 йил 07 февраль куни соат 21⁰⁰да ўзига олдиндан таниш бўлган Амударё тумани, Манғит шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 1-уйда яшовчи [REDACTED] уйига спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолда бориб, унинг уйида ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] ва кар-соқов [REDACTED] билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтириб, оғир даражада маст ҳолда бўлган [REDACTED] билан ўзаро жанжаллашиб, “Сен менинг акам Эргашни ичкиликка ўргатиб, уйдаги ҳамма нарсаларни соттириб бўлдинг, ҳозир уйда фақат тўртта пахсаси қолган, ўзи эса Тошкентга кетиб ишляпти” деб унга жаҳл қилиб, 67 ёшдаги кекса [REDACTED] спиртли ичимлик истеъмол қилган оғир даражада мастлиги туфайли ожиз аҳволда эканлиги ва унга қаршилик қилиш имкониятига эга эмаслигидан фойдаланиб, уни қасдан ўлдириш мақсадида ётган жойидан эгнидаги кийимидан ушлаб, хонанинг эшик томон бурчагига ўрнатилган “контрамарка” печь ёнига судраб олиб бориб, унинг юз қисмига кўлини мушт қилган ҳолатда бир неча маротаба уриб, унга азоб-уқубат етказиш мақсадида эгнидаги кийими ёқасидан кўллари билан ушлаб, бошини кўтариб бир неча маротаба ёғоч полга уриб ва ҳаёти учун муҳим бўлган кўкрак ва қорин соҳаларига оёқлари билан бир неча маротаба тепиб, 13 та қовурға суягини синдириб, ожиз аҳволда эканлиги ўзига аён бўлган [REDACTED] ўта шавқатсизлик билан жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда қасдан ўлдирган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 08.02.2019 йилдаги 7-сонли хулосасида, [REDACTED] ўлими кўкрак қафасининг жароҳатланиши, 13 та қовурға суягини синиши, ўпкаси ва жигарининг травматик йиртилиши натижасида юз берган бўлиб, ушбу жароҳатлар каттик ўтмас жисм таъсирида етказилгани, ушбу жароҳатлар тирик шахсга етказилган вақтида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар ҳисобланиши кўрсатилган.

[REDACTED], ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “в, ж” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган.

Судланувчи [REDACTED] шикоятда ўзининг касаллигини, ишлаган қилмишидан чин кўнгилдан пушойман эканлигини ҳисобга олиб енгил жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати судьянинг маърузасини, адвокат [REDACTED] суд ҳукмини ўзгартириб енгил жазо тайинлашни сўраган фикрини, прокурорнинг судланувчининг

ҳаракатлари тўғри квалификация қилиниб, адолатли жазо тайинлагани сабабли ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчининг кўрсатмаси, ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, апелляция шикоятни важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилиб, далилларга тўғри баҳо бериб, иш бўйича ҳақиқат аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган [REDACTED] ўлдирганликдаги айби айбига иқрорлик билдириб, чин кўнгилдан пушоман бўлиб, енгил жазо тайинлашни сўраганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Биринчи инстанция судидаги сўралган жабрланувчи [REDACTED], гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] кўрсатувлари билан;

Шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган схема ва фотосуратлар;

суд-тиббиёт экспертизасининг [REDACTED] ўлими кўкрак қафасининг жароҳатланиши, ўпкаси ва жигарининг травматик йиртилиши натижасида юз берган бўлиб, ушбу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида етказилгани, ушбу жароҳатлар тирик шахсга етказилган вақтида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар ҳисобланиши кўрсатилган хулосаси;

суд-тиббиёт экспертизасининг [REDACTED] ўнг қўли панжасига тан жароҳати етказилган бўлиб, бу жароҳат қаттиқ-ўтмас жисм билан етказилиб, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган енгил жароҳат ҳисобланиши кўрсатилган хулосаси;

[REDACTED] Амударё тумани “Ўрта қалъа” ОФЙ ҳудудида жойлашган рақамсиз уйини тинтув ўтказиш ва ашёвий далилларни олиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлари;

суд-биологик экспертиза хулосалари;

ашёвий далилларни кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлари;

гувоҳ [REDACTED] кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар;

гувоҳ [REDACTED] кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар;

гувоҳ [REDACTED] кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар;

гумон қилинувчи [REDACTED] кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар;

айбланувчи [REDACTED] нисбатан ўтказилган суд-психиатрия экспертизасида у эълон қилинган қилмишни содир этиш ва экспертиза ўтказиш вақтида ақли расо экани, тергов ва судда жавоб бера олиши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига мухтож эмаслиги ҳақидаги хулосаси;

[REDACTED] ва [REDACTED] юзлаштириш баённомаси;
[REDACTED] ва [REDACTED] юзлаштириш баённомаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати судланувчи [REDACTED] шикоятда келтирилган енгил жазо тайинлашни сўраганлиги ҳақидаги важларини асосиз деб ҳисоблаб, уларни рад қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24-сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 2-бандида, қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкинлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл кўяди (эгри қасд), 4-бандида айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва курали, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари эътиборга олиниши лозимлиги, 8-бандида айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда, ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (руҳияти бузилганлиги, алкоголь воситаси таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши кераклиги, 12-бандида, жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозимлиги тушунтирилган.

Суд ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жиний ҳаракатлари тўғри квалификация қилиниб, қайд этилган Олий суд Пленуми қарорининг раҳбарий тушунтиришларга риоя қилиб, [REDACTED] ҳаракатларини тўғри малакалаган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати [REDACTED] ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, уни содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни ҳисобга олиб, қилмишига яраша жазо тайинлаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 478-496, 497¹³, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

[REDACTED] нисбатан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг 2019 йил 07 июндаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қаноатлантирилмасин.

Раислик қилувчи судья

М.Байниязов

Ҳайъат судьялари

Т.Турдымуратов

А.Абдикаримов

*Ажрим нусхаси аслига тўғри,
ҚР ЖИБ суди судьяси*

А.Абдикаримов

